



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB  
CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON  
TIZIMI

Loyiha

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI QONUNI  
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиши тўғрисида  
ID-95897 (V-2)

Кейинги йилларда республикада давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга, масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш ва зарур хужжатларни электрон шаклда расмийлаштиришдан кенг фойдаланишни янада қўллаб-кувватлаш, унинг хукукий асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги ҳамда “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига электрон хужжатда хужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усувларидан фойдаланишишга тааллуқли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги ЎРҚ-611-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон) қуидаги қўшимча ва ўзгартеришлар киритилсин:

1) 5-модданинг биринчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо ва (ёки) хужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усувлари («SMS», «Face-ID» ва бошқалар) билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон хужжатдир.”;

2) 6-модданинг иккинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“электрон рақамли имзо ва (ёки) хужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усувлари (“SMS”, “Face-ID” ва бошқалар);”

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 октябрда қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ЎРҚ-793-сонли Қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллый базаси, 13.10.2022 й., 03/22/793/0918-сон) 3-моддасининг саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“электрон ҳужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо ва (ёки) ҳужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усувлари («SMS», «Face-ID» ва бошқалар) билан тасдиқланган электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.”

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. Мирзиёев